Tibbiyotning oliy maqsadi — inson salomatligiga erishishdir
Высшее благо медицины — здоровье

# O'zbekistonda sog'liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган E-mail: uzss@inbox.ru 2008 йил 8-14 август № 31 (599) Жума кунлари чиқади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИ МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Олий таълим муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш ва таълим-тарбия ишлари даражаси ҳамда сифатини оширишда уларни моддий рағбатлантиришнинг самарали механизмини жорий этиш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ҳамда соҳаларида эҳтиёж сезилаётган юқори малакали, рақобатдош кадрлар тайёрлашда профессор-ўқитувчилар таркиби қўшаётган ҳиссаси муносиб баҳоланишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий лавозим маошларига амалдаги доимий устама ва қўшимча тўловларни қўшган ҳолда такомиллаштирилган тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий таълим муассасалари ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 июлдаги ПФ-4014-сонли Фармонига мувофиқ бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ўрта ҳисобда 1,2 баробар оширилиши билан бир қаторда олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимларига жорий этилаётган базавий лавозим маошларини ўртача 25 фоиз миқдорида, жами эса 1,5 баробарга оширишни назарда тутсин.

3. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимларининг лавозим маошларига алоҳида иш шароитлари, хорижий тилларни билиши, муайян хизмат муддатини адо этганлиги учун қўшимча ҳақ тўлаш ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа қўшимча ҳақ тўлашнинг амалдаги турлари ва миқдорлари сақлаб қолинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар мазкур қарорда белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларнинг ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда:

олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий лавозим маошларини;

Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри.
2008 йил 24 июль.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ВА УЛАР МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар раҳбар ҳамда педагог кадрларининг меҳнатини моддий рағбатлантириш ва унга ҳақ тўлашнинг юксак касб маҳоратини намоён этган ва таълим-тарбия жараёнига шахсан катта ҳисса қўшаётган иқтидорли педагогларни рағбатлантиришни кўзда тутувчи сифат жиҳатдан янги механизмини жорий этиш, шунингдек, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларига эҳтиёж сезилаётган малакали мутахассислар тайёрлашда уларнинг масъулиятини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг:

2008 йил 1 сентябрдан бошлаб педагог ва раҳбар ходимларнинг лавозимлари ва малака тоифалари бўйича базавий тариф ставкаларини белгилашга, маҳнатга ҳақ тўлашнинг объектив, очиқ-равшан механизмини татбиқ этишга асосланган ўрта махсус, касб-ҳунар муассасаларининг педагог ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасида юқори касб маҳоратига эга бўлган ва таълим-тарбия жараёнига шахсан аниқ ҳисса қўшаётган ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгилаш, шунингдек, кўрсатиб ўтилган муассасалар ходимларига бир марталик мукофотлар тўлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш йўли билан уларни рағбатлантириш учун Директор жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар белгилансин:

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг Директор жамғармаси барча ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари – касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ташкил этилади;

Директор жамғармаси маблағлари ҳар бир ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси ҳузурида тегишли муассаса раҳбари бошчилигида ҳамда Васийлик кенгаши, педагоглар ва ота-оналар жамоатчилиги вакиллари иштирокида ташкил этиладиган, ўрнак кўрсатган ходимларни рағбатлантириш бўйича махсус комиссиялар томонидан тасарруф этилади.

3. 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари директорларининг, ўқув ишлари, касбий таълим ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарларининг иш ҳақи миқдори Ягона тариф тизими бўйича амалдаги ставкаларга нисбатан ўрта ҳисобда 1,4 баравар оширилсин.

4. 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқитувчиларига қўшимча ҳақ:

гуруҳ раҳбарлиги учун – энг кам иш ҳақининг 50 фоизидан 100 фоизгача;

ёзма ишларни текшириш учун энг кам иш ҳақининг 30 фоизидан 50 фоизигача;

ўқув ва лаборатория кабинетларига мудирлик учун – энг кам иш ҳақининг 25 фоизидан 50 фоизигача оширилсин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари меҳнатини рағбатлантириш ҳамда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида юқори касб маҳоратига эга бўлганлиги ва ўқув-тарбия жараёнига шахсан ҳисса қўшганлиги, таълим беришдаги юқори самарадорлиги ҳамда сифати, ўқувчиларнинг касб-ҳунар кўникмалари ва билимларини ривожлантирганлиги, тарбиявий ва дарсдан ташқари ишлар олиб борганлиги учун Директор жамғармасидан уларга базавий тариф ставкаларининг 40 фоизигача миқдорида ойлик устама ҳақ тўланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда:

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг педагог ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкаларини;

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низомни;

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг Директор жамғармаси тўғрисидаги Низомни тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мазкур қарорда белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларнинг ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

вазирликлар ва идораларнинг норматив ҳужжатлари ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 30 июль.




*Фармон ва Қарор ижроси амалда*

## ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТ

***Кейинги пайтларда республика тиббиёт тизимида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сон Фармони ҳамда «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 2 октябрдаги ПК-700-сон Қарори бўйича республика тиббиёт муассасаларида ишлар кенг миқёсда олиб борилмоқда.***

(Давоми 2-бетда).

Бизнинг расмий веб-сайтимизга ташриф буюринг: www.uzss.uz

O'zbekistonda sog'liqni saqlash

№ 31 (599)
2008 йил
8 август

*Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг*
**БУЙРУҒИ**

2008 йил 16 май № 216 Тошкент шаҳри

# Вилоят кўп тармоқли тиббиёт Марказларига имтиёзли беморларни текшириш ва даволанишга йўллаш тартиби тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида" 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика тиббий муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ҳудудий Соғлиқни сақлаш бошқармаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2008 йил 18 мартдаги 48-сонли қарори ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 25 мартдаги 121-сонли буйруғининг бажарилишини таъминлаш, Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларига (кейинчалик матнда – Марказ) ажратилаётган бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш ҳамда аҳолига кўрсатилаётган ихтисослаштирилган юқори малакали тиббий хизмат сифатини янада ошириш мақсадида

**ТАСДИҚЛАЙМАН:**

1. Марказларда имтиёзли беморларни амбулатор шароитида бепул текширувдан ўтиш ва даволанишга юбориш учун йўлланма – ордер шаклини (1-илова).

2. Марказларда имтиёзли беморларни стационар шароитида бепул даволанишга юбориш учун йўлланма – ордер шаклини (2- илова).

3. Марказларда имтиёзли беморларни амбулатор ва стационар шароитида бепул текширувдан ўтиш ва даволанишга юбориш учун йўлланма – ордер бериш тартиби (3-илова)

4. Марказларга имтиёзли равишда текшириш ва даволаниш учун ордер бериш тиббий танлов комиссияси (ТТК) хулосаси шаклини (4-илова).

5. Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари томонидан ҚР ССВ ва вилоятлар ССБларига тақдим этиладиган "Ордерлар ҳаракати бўйича чораклик ҳисобот" шаклини (5-илова).

6. Марказлар томонидан ҚР ССВ ва вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасига тақдим этиладиган "Ордерлар ҳаракати бўйича чораклик ҳисобот" шаклини (6-илова).

**БУЮРАМАН:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ва вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларига:

1.1. Марказларнинг иш фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2008 йил 18 мартдаги 48-сонли қарори ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 25 мартдаги 121-сонли буйруғига мувофиқ ташкил қилинсин;

1.2. Ушбу буйруқда тасдиқланган Марказларга имтиёзли беморларни амбулатор ва стационар шароитида бепул текширувдан ўтиш ва даволанишга юбориш учун йўлланма – ордер бериш тартибига (3-илова) риоя қилиш қаттиқ назорат остига олинсин;

1.3. Ажратилган бюджет маблағлари ҳажмидан келиб чиқиб, Марказларда имтиёзли беморларни амбулатор ва стационар шароитида бепул текширувдан ўтиш ва даволанишга юбориш учун ажратилган ордерлар тақсимоти ишлаб чиқилсин ва тасдиқлансин;

1.4. Марказларга мустақил равишда мурожаат қилган оғир ҳолатдаги беморлар ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2006 йил 10 апрелдаги 126-сонли буйруғига асосан Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази вилоят (республика) филиалларидан реабилитацияга кўчириладиган имтиёзга эга беморлар учун ордерларнинг йиллик ҳажмидан 10 % миқдорида Марказнинг ўзида қолдирилсин;

1.5. ДПМларда фаолият кўрсатадиган барча шифокорлар, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи тиббий-санитария бўғини ходимлари (амбулатория-поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари) ва аҳоли ўртасида ушбу буйруқнинг моҳияти кенг тушунтирилсин;

1.6. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар ССБ бошлиқлари биринчи ўринбосарлари ва туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг даволаш ишлари бўйича ўринбосарлари ушбу буйруқнинг сўзсиз бажарилиши учун шахсан масъул эканликлари белгилаб қўйилсин;

1.7. Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларидан Марказ учун ажратилган ордерлардан фойдаланиш бўйича чораклик ҳисоботларни (5-илова) қабул қилиш йўлга қўйилсин;

1.8. РШТЁИМ вилоят (республика) филиалларида тасдиқланган стандартлар бўйича даволаш курсини ўтаб, оғир аҳволдан чиқарилган, аммо даволанишни бошқа соматик шифохоналарда давом эттиришга муҳтож (реабилитация) беморларни вилоят (республика) кўп тармоқли тиббиёт марказларига ўтказиш йўлга қўйилсин.

2. Марказлар бош шифокорларига:

2.1. Ордер билан мурожаат қилган беморларни ушбу буйруқда тасдиқланган Марказларга имтиёзли тоифага кирувчи беморларга ордер бериш тартибига (3-илова) риоя қилган ҳолда стационар ёки амбулатор шароитда ёрдам кўрсатиш таьминлансин;

2.2. Туман (шаҳар) тиббий бирлашмаларига келгуси ой ордерлари жорий ойнинг 26 санасидан кечиктирмасдан тарқатилиши таъминлансин;

2.3. Марказда текшириш ва даволаш учун ажратилган ордерлар ҳаракати тўғрисидаги чораклик ҳисобот (6-илова) келгуси ойнинг 5 санасидан кечиктирилмасдан ҚР ССВ ва вилоят ССБга тақдим этилсин.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ДПЁББ (В. С. Алимова) ва ИваМБТББ (Б. А. Ҳошимов) бошлиқларига:

3.1. Марказларда имтиёзли ордер тизимини татбиқ қилишда ҚР ССВ ва вилоятлар ССБга амалий-услубий ёрдам кўрсатилсин ҳамда мунтазам назорат қилиб борилсин.

4. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А. И. Икрамов зиммасига юклатилсин.

**Вазир Ф. Г. НАЗИРОВ.**

*(Мазкур буйруқнинг иловалари билан 3-4-саҳифаларда танишасиз).*

*Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг*
**БУЙРУҒИ**

2008 йил 2 июль № 287 Тошкент шаҳри

# Тиббий фаолиятни лицензиялашга доир айрим ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сон Қарорига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2008 йил 3 апрелдаги 61-сон қарорига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2008 йил 10 апрель "Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартибини янада такомиллаштиришга доир асосий чора-тадбирлар тўғрисида"ги 150-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида***

***ТАСДИҚЛАЙМАН:***

1. Юридик шахсларга ва жисмоний шахсларга тиббий фаолият юритиш учун бериладиган лицензиялар шаклларини 1- ва 2-иловаларга мувофиқ.

2. Юридик шахслар ва жисмоний шахслар билан тиббий фаолият юритиш учун тузиладиган лицензия битими шаклларини 3- ва 4-иловаларга мувофиқ.

3. Тиббий фаолият билан шуғулланиш учун лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги эксперт хулосасининг намунавий шаклини 5-иловага мувофиқ.

4. Нодавлат секторига қарашли тиббиёт муассасаларида ва якка тартибда фаолият кўрсатувчи врачлар томонидан юритилиши зарур бўлган бирламчи тиббий ҳужжатлар рўйхатини 6-иловага мувофиқ.

5. «Хусусий тиббиёт муассасаларига лицензия бериладиган тиббий фаолият ихтисосликлари турларининг рўйхати»даги айрим ихтисосликлар бўйича амалга ошириш рухсат этиладиган операциялар рўйхатини 7-иловага мувофиқ.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тиббий фаолиятни амалга ошириш учун лицензия талабгори томонидан топширилиши керак бўлган ҳужжатлар рўйхатини 8-иловага мувофиқ.

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Лицензиялаш ва нодавлат тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бошқармаси бошлиғи Ф. Илҳомовга: тиббий фаолият юритиш учун лицензия олувчи ҳар бир лицензиат ушбу буйруқнинг 6-иловаси билан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ бирламчи тиббий ҳужжатларнинг намуналари ва шакллари билан таъминлансин.

2. Ушбу буйруқ имзоланган кундан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 17.03.2003 йилдаги 123-сонли буйруғининг 2-иловаси, 31.08.2006 йилдаги 384-сонли буйруғининг 4- ва 6-иловалари, 10.04.2008 йилдаги 150-сонли буйруғининг 5-иловасидаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тиббий фаолиятни амалга ошириш учун лицензия талабгори томонидан топширилиши керак бўлган ҳужжатлар рўйхати» ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. Икрамов зиммасига юклатилсин.

**Вазир Ф. Г. НАЗИРОВ.**

*(Мазкур буйруқнинг иловалари билан 4-7-саҳифаларда танишасиз).*

*Фармон ва Қарор ижроси амалда*

# ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТ

– Шундай экан, мазкур Фармон ва Қарор ижроси Наманган вилоят соғлиқни сақлаш тизимида ҳам босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда.

Шу жумладан, вилоятнинг Янгиқўрғон туман тиббиёт бирлашмасида ҳам эл саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида ислоҳотлар жараёни тиббиёт ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли фаолият давомида ўз ифодасини топмоқда, – дейди биз билан суҳбатда тиббиёт бирлашма бошлиғининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Абдураҳмон Абдураҳмонов. – Айтиш жоизки, республика соғлиқни сақлаш тизимида босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилаётган Фармон ва Қарорлар йилдан-йилга ўз самарасини бераётганлиги жамиятимиз тараққиёти ҳамда халқимиз саломатлиги йўлида қилинаётган меҳнатларнинг ифодасидир. Ўтган йилнинг кузи ва шу йилнинг баҳор ойларида тиббиётимизни замон талабига мос равишда такомиллаштиришга оид қабул қилинган учта муҳим ҳужжат даволаш ишлари давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги билан эътиборлидир. Бунинг баробарида Президентимиз имзолаган Фармон ва Қарор ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган яна бир қарор ижроси тиббиётчиларимиз томонидан атрофлича ўрганилиб, унинг асосида кенгайтирилган, чуқур таҳлил ва хулосага эга тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Айниқса, бизни қувонтирган нарса шуки, эндиликда мавжуд шифохона биноларининг инженер техник ҳолатлари ўрганилиб, уларни босқичма-босқич 2012 йилгача капитал реконструкция ва мукаммал таъмирлаш зарурлиги вазифа қилиб белгиланди. Шу билан бирга янги бинолар қуриш лозимлиги, носоз, талабга жавоб бермайдиганларни эса бузиш тўғрисида хулосалар берилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, барча турдаги даволаш-профилактика муассасаларининг замон талаблари даражасида фаолият кўрсатиши учун кенг кўламда ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, «Саломатлик 1 ва 2» лойиҳаси дастури асосида кенг қатламли аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Бунинг баробарида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Таъкидлаш ўринлики, Марказий поликлиника қошида «Оила ва никоҳ» маркази томонидан турмуш қуриш арафасида турган 1000 дан ортиқ йигит-қиз чуқур таҳлилий тиббий кўрикдан ўтказилди. Маҳаллий ҳокимият фаоллари ҳамкорлигида эрта ва қариндошлар ўртасида турмуш қуриш, ёш ва кекса, кўп болали аёллар ўртасида ҳомиладорликнинг олдини олиш мақсадида кенг кўламда тушунтириш ишларини олиб боряпмиз. Юқоридаги фаолиятлар натижасида оналар ва болалар ўлими қайд этилмади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сон Қарорини бажара бориб, туман аҳолисига қулайлик яратиш учун 30 ўринли силга қарши кураш бўлими ташкил этиш режалаштирилган. Географик жиҳатдан энг катта бўлган туманимиздаги 65 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 21 та қишлоқ врачлик пункти давр талаби асосида аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Мазкур муассасалардаги фаолиятларнинг жадаллиги туфайли халқ орасида касалликларнинг олдини олиш бўйича муҳим тадбирлар амалга оширилгани сабаб, хасталикларни камайтиришга эришилмоқда. Ҳукумат кўрсатмаси бўйича кам самара бериб келаётган Бекобод, Шарқ юлдузи, Зарбдор бирлашган қишлоқ участка шифохоналари марказий тиббиёт бирлашманинг бўлимларига айлантирилди. Туманимизнинг энг чекка чегара ҳудудидаги Заркент ва Нанай қишлоқ участка шифохоналарига юридик мақом берилди. Шунингдек, Қизиёзи, Дулди, Деҳқонобод қишлоқлари бошқа тиббиёт муассасаларидан 5-6 км узоқда жойлашганлиги сабабли у ерларда ҳам қишлоқ врачлик пунктлари қурилиши режалаштирилди. Айтиш жоизки, Ғ. Рўзиев, Ҳ. Зокирова, А. Худойбердиев каби умумий амалиёт шифокорлари етакчилик қилаётган «Гулшан», «Навкент», «Поромон» ҚВП жамоалари ҳамда туман тиббиёт бирлашмасининг болалар, туғруқхона ва ички касалликлар бўлимларида фаолият юритаётган М. Йўлдошева, Р. Тўхтаматова ва Ҳ. Темиров меҳнатидан аҳоли мамнун.

Халқимиз саломатлиги йўлида олиб бораётган эзгу ишларимизнинг барчаси инсон манфаатлари ва соғлигига қаратилгандир.

**Суҳбатни Асқарали МАМАТОВ олиб борди.**

## *Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг БУЙРУҒИ*

2008 йил 16 май № 216 Тошкент шаҳри

# Вилоят кўп тармоқли тиббиёт Марказларига имтиёзли беморларни текшириш ва даволанишга йўллаш тартиби тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 16 майдаги 216-сонли буйруғига 5-илова*

______________________________

(туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари)

**Вилоят (республика) кўп тармоқли тиббиёт маркази ордерларидан фойдаланиш бўйича чораклик ҳисоботи**

| № | Ордер тури | Тақсимланган ордерлар сони | Юборилган беморлар сони (ордер билан /хат билан) | Ордерларга бўлган эҳтиёж |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Амбулатор | | | |
| 2 | Стационар | | | |

Туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи имзоси __________

**(Давоми. Боши 3-бетда).**

*Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 16 майдаги 216-сонли буйруғига 6-илова*

**Вилоят (республика) кўп тармоқли тиббиёт маркази ордерларининг ишлатилиши бўйича чораклик ҳисоботи**

| № | Туман ва шаҳарлар | Тақсимланган ордерлар сони | | Ордерлар билан келган беморлар сони | | Хат билан юборилган беморлар | | Марказнинг ўзида расмийлаштирилган ордерлар сони | | Ордер билан даволанган беморлар учун сарфланган харажат (сўм) | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Стац. | Амб. | Стац. | Амб. | Стац. | Амб. | Стац. | Амб. | Стац. | Амб. |
| | | | | | | | | | | | |

Вилоят (республика) кўп тармоқли тиббиёт маркази бош врачи имзоси __________

## *Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг БУЙРУҒИ*

2008 йил 2 июль № 287 Тошкент шаҳри

# Тиббий фаолиятни лицензиялашга доир айрим ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 2 июль 287-сонли буйруғига 3-илова*

Р/Р: ____

**Тиббий фаолият билан шуғулланиш учун берилган ________ рақамли Лицензияга _____ -рақамли ЛИЦЕНЗИЯ БИТИМИ (юридик шахслар учун)**

Тошкент шаҳри "____" ______20___ йил

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги – тиббий фаолият билан шуғулланиш учун лицензия беришни амалга оширувчи орган (кейинчалик матнда "Лицензияловчи орган" деб юритилади) номидан Вазирнинг биринчи ўринбосари, лицензиялаш Кенгаши раисининг ўринбосари **А. И. Икрамов** бир томондан ва иккинчи томондан **юридик шахснинг номи, мулк шакли,** раҳбари__________ ________________________________

*(фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими)*

кейинчалик матнда "Лицензиат" деб юритилувчи, ушбу лицензия битимини тузиб, қуйидагиларга келишдилар:

**I. БИТИМНИНГ МОҲИЯТИ**

Лицензияловчи орган, ўзининг ______ йил ______даги "___"-сон мажлис қарори асосида Лицензиатга лицензия бериш билан унга қуйидаги тиббий ихтисослик турлари бўйича ва кўрсатилган ҳажмда тиббий фаолият билан шуғулланиш учун ҳуқуқ беради:

| Тиббий ихтисослик турлари, тиббий хизмат ҳажми: |
|---|
| |

**II. ЛИЦЕНЗИАТНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ:**

2.1. Лицензиат Лицензияловчи орган томонидан рухсат берилган тиббий хизмат ҳажми (тури) ва ихтисослик йўналишлари доирасида ўз фаолиятини мазкур битимнинг 2.2-2.10. бандларида келтирилган лицензия талаблари ва шартларига риоя этган ҳолда амалга оширади.

2.2. Қуйидагилар тиббий фаолиятни амалга оширишда лицензия талаблари ва шартларидир:

- фаолиятни қонун ҳужжатларига қатъий мувофиқ равишда амалга ошириш;
- раҳбарнинг олий тиббий маълумотга ва мутахассислиги бўйича камида 5 йил иш стажига, тегишли мутахассислик бўйича малака тоифасига, шунингдек, бошқа мутахассис врачларнинг олий тиббий маълумотга ва тегишли мутахассислик бўйича малака тоифасига эга бўлиши;
- тиббиёт муассасасида ишлаётган мутахассис врачларнинг камида 5 йилда бир марта малака оширишларини таъминлаш;
- Лицензиатда лицензияланаётган фаолият турини бажариш учун мўлжалланган, унга мулк ҳуқуқи билан ёки бошқа қонуний асосда тегишли бўлган, санитария қоидалари ва нормаларига мувофиқ бино ва хоналарнинг мавжуд бўлиши;
- тиббий фаолиятнинг лицензияланаётган тегишли турига ва/ёки ихтисосликка мувофиқ бўлган ташкилий-техник шарт-шароитлар ва моддий-техник жиҳозларининг, шу жумладан:

**(Давоми. Боши 2-бетда).**

а) Лицензиатга мулк ҳуқуқи билан ёки бошқа қонуний асосда тегишли бўлган, метрология нормаларига ва техника хавфсизлиги нормаларига мувофиқ бўлган замонавий диагностика ва даволаш асбоб-ускуналарининг мавжуд бўлиши;

б) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қўллашга рухсат берилган тиббий технологиялардан фойдаланишни таъминлайдиган асбоблар, қаттиқ ва юмшоқ махсус инвентарлар, транспорт воситалари ва ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши;

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган намуналар ва шакллар бўйича бирламчи тиббий ҳужжатларни юритиш;
- статистика маълумотларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда статистика органларига тақдим этиш;
- санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рухсат этилган диагностика, профилактика ва даволаш методларини, зарарсизлантириш воситалари, реактивлар ва дори-дармонларни қўллаш;
- фаолиятни лицензияда кўрсатилган тур ва/ёки ихтисослик доирасида, шунингдек, лицензия битимига мувофиқ манзил (манзиллар) бўйича амалга ошириш.

2.3. Муассаса раҳбари тиббий муассаса фаолиятини ташкил этишда қуйидаги талабларга риоя этиши шарт:

- тиббиёт муассасаси раҳбари ўзгарган тақдирда ўн кунлик муддат ичида Лицензияловчи органга янги раҳбарнинг олий тиббий маълумот тўғрисидаги дипломнинг, меҳнат дафтарчасининг, малака тоифаси берилганлиги тўғрисидаги сертификатнинг, кейинги 5 йилда малака оширганлик ва/ёки ихтисослашувдан ўтганлик тўғрисидаги ҳужжатнинг нотариал тасдиқланган нусхаларини топшириш;
- фақат мазкур лицензия ва лицензия битимида рухсат этилган ихтисослик(лар) бўйича бирламчи ихтисосликка эга бўлган, малака оширган ва малака тоифасига эга бўлган врач-мутахассисларни ишга қабул қилиш;
- ишга қабул қилинган ўрта тиббиёт ходимларининг ўрнатилган тартибда зарур йўналиш бўйича ихтисослашувдан ўтишларини таъминлаш;
- муассасада фаолият кўрсатаётган врач-мутахассислар, олий ҳамширалик иши мутахассислари ва ўрта тиббиёт ходимларининг мунтазам равишда, камида беш йилда бир марта малака оширишларини ва ўз вақтида тегишли малака тоифасини олишларини таъминлаш;
- тиббиёт муассасасининг қабулхонасида, муассасага мурожаат этган аҳолига кўринарли жойда Соғлиқни сақлаш вазирлигида ва Соғлиқни сақлашнинг ҳудудий бошқарув органларида ташкил этилган "Ишонч телефонлари" рақамларини маълумот учун кўрсатиб қўйиш;
- фаолиятда қўлланилувчи дори-дармонлар, реактивлар, зарарсизлантириш воситалари сифатини таъминлаш, тиббий буюмларни қўлланиш ва сақланиш қойдаларига риоя қилиш, уларнинг амал қилиш муддатини назорат қилиш;
- мавжуд тегишли тиббий асбоб-ускуналарни даврий метрология кўригидан белгиланган муддатларда (ҳар йилда бир марта) ўтказишни назорат қилиш, техника хавфсизлиги меъёрларига мувофиқ келадиган тиббий аппаратура ва техникадан фойдаланишни таъминлаш;
- муассаса фаолиятини унинг биноси ва хоналаридаги шароитнинг Санитария қоидалари ва меъёрлари ҳамда тегишли йўриқномалар талабларига риоя этган ҳолда ташкил этиш;
- шошилинч ва кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун рўйхати Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган дори-дармонларнинг тўпламини таъминлаш;
- Лицензиат ўз хоҳишига мувофиқ тиббий фаолиятини маълум муддатга тўхтатиши тўғрисида Лицензияловчи органга камида ўн кун олдин хабар бериши шарт.

2.4. Муассаса раҳбари ва тиббий муассасада ишловчи ходимлар тиббий фаолиятни амалга ошириш жараёнида аҳоли орасида юқумли касалликларнинг, қон орқали юқувчи касалликларнинг тарқалишини олдини олиш мақсадида қуйидаги талабларга доимий равишда қатъий риоя этишлари шарт:

- тиббий фаолияти инвазив даволаш муолажаларини ва/ёки диагностика усулларини қўллаш (қон билан контакт) билан боғлиқ тиббиёт муассасасининг ўзида стерилизация бўлими фаолиятини мавжуд талаблар асосида мунтазам юритиш, ўрнатилган тартибда зарарсизлантириш ишларини амалга ошириш, стерилизация ва дезинфекция ишларини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича тегишли қоида ва меъёрларга амал қилиш;
- тиббиёт ходимларини ишга киришдан олдин дастлабки ва кейинчалик даврий тиббий кўрикдан белгиланган муддатларда ўз вақтида ўтказишни таъминлаш ва назорат қилиш;
- бир маротаба фойдаланишга мўлжалланган муолажа воситалари, боғлов материаллари ва тиббий асбоб-ускуналарининг қайта ишлатишига йўл қўймаслик;
- тиббий ходимлар томонидан Санитария меъёрлари ва қоидаларига ҳамда тегишли йўриқномаларга риоя қилинишини таъминлаш ва назорат қилиш;
- беморлар орасида юқумли касалликларга гумон қилинганлар аниқланганда, ушбу касаллик ҳақидаги шошилинч хабарномани ўрнатилган тартибда ҳудудий Давлат санитария-эпидемиология назорати марказига юборилишини таъминлаш.

2.5. Муассаса раҳбари ва/ёки тиббий муассасада ишловчи ходимлар йўл-транспорт ҳодисалари, совуқ қуроллар ва бошқа куч таъсирида шикаст олган беморлар мурожаат қилганлиги тўғрисида ва унинг оқибатларида содир бўлган ҳолатлар тўғрисида ички ишлар органларига хабар бермаган ҳолатларида қонунчилик талаблари асосида жавобгарликка тортиладилар.

2.6. Лицензиатга тиббий фаолият билан шуғулланиш вақтида қуйидагилар мумкин эмас:

- ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтган, лицензияда ва лицензия битимида қайд этилган муассаса номини ўзбошимчалик билан ўзгартириш, унга қўшимча ва тузатишлар киритиш;
- лицензияда кўрсатилмаган фаолият турлари бўйича пештахтада эълон бериш ва реклама бериш;
- лицензия олиш учун топширилган тасдиқланган чизмада акс эттирилган муассаса тузилмасини, унинг хоналари таркиби, жойлашуви, шакли ва ўлчамларини ўрнатилган тартибда келишилмасдан ўзгартириш;
- лицензия олиш учун топширилган рўйхатда тасдиқланган ва қўллашга рухсат берилган даволаш-диагностика асбоб-ускуналари, қаттиқ ва юмшоқ махсус инвентарлар, транспорт воситаларининг мавжуд рўйхатини қисқартириш;
- ўрнатилган тартибда қайд этилмаган, яроқлилик муддати ўтган, сифатини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган ва қўллаш учун яроқсиз дори воситаларини ишлатиш;
- тиббий фаолият юритиш ҳуқуқини берувчи лицензиясини ва лицензия битимини бошқа юридик ёки жисмоний шахсга тиббий фаолият юритиш учун бериш.

2.7. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг бузилганлиги тасдиқланган ҳолатларда Лицензияловчи орган ёки хўжалик суди томонидан лицензиатга нисбатан жазо чоралари қўлланилган ҳолларда муассаса раҳбари:

- лицензиянинг амал қилиши ўн кунгача бўлган муддатга тўхтатиб турилганда, аниқланган камчиликларни бартараф этиб, ушбу ҳақидаги ёзма маълумотномани Лицензияловчи органга ўз вақтида тақдим этиши;
- Лицензияловчи орган қарорига асосан лицензиянинг амал қилиши ўн кунгача бўлган муддатга тўхтатиб турилганда ёки суд органлари томонидан лицензиянинг амал қилиши маълум муддатга тўхтатиб турилганда тегишли қарорни олган кундан бошлаб тиббий фаолиятини тўхтатиб туриш;
- Лицензиянинг амал қилишини тугатиш ёки бекор қилиш тўғрисидаги суд органлари қарорини олгандан сўнг энг кўпи билан ўн кун муддатда лицензияни ва лицензия битимининг асл нусхаларини Лицензияловчи органга қайтариши шарт.

2.8. Лицензиат қайта ташкил этилганда, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда Лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт. Лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар Лицензиат унда кўрсатилган тиббий фаолият турини илгари берилган лицензия асосида амалга ошириши мумкин.

2.9. Юридик шахс сифатида ёки унинг фаолияти қайта ташкил этиш натижасида тугатилганда Лицензиат Лицензияловчи органни хабардор қилади ва лицензия ўн кун ичида Лицензияловчи органга қайтарилади.

2.10. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза Лицензияловчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

**III. ЛИЦЕНЗИЯЛОВЧИ ОРГАННИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ:**

3.1. Лицензияловчи орган Лицензиатнинг лицензияни қайта расмийлаштириш, амал қилишини тугатиш, бекор қилиш, тиббий фаолият турини ўзгартириш ёки кенгайтириш, филиаллар ташкил этиш тўғрисидаги аризаларини қонунчиликда белгиланган муддатларда кўриб чиқади ва қабул қилинган

**(Давоми 5-бетда).**

## *Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг*
## *БУЙРУҒИ*

2008 йил 2 июль № 287 Тошкент шаҳри

# Тиббий фаолиятни лицензиялашга доир айрим ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида

қарорлар тўғрисида Лицензиатни қонунчиликда белгиланган муддатларда хабардор қилади.

**IV. ЛИЦЕНЗИАТНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ:**

4.1. Лицензиат Лицензияловчи органдан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган бирламчи тиббий ҳужжатларнинг намуналари ва шаклларини олиш;

4.2. Лицензияловчи органга тиббий фаолиятини юритиш бўйича туғилган саволлар билан мурожаат этиш;

4.3. Лицензияловчи органдан тиббий фаолиятини ташкил этиш юзасидан ўрнатилган тартибда услубий-амалий ёрдам сўраш ҳуқуқига эга.

**V. ЛИЦЕНЗИЯЛОВЧИ ОРГАННИНГ ҲУҚУҚЛАРИ:**

5.1. Лицензияловчи орган қонунчиликда белгиланган ҳуқуқларга эга.

**VI. ЛИЦЕНЗИАТ ТОМОНИДАН ЛИЦЕНЗИЯ ТАЛАБ ВА ШАРТЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

6.1. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади.

6.2. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда лицензияловчи орган ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

- Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг бузилганлигидан далолат берувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда Лицензиатнинг уларга риоя қилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

- лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан Лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

- текширишлар натижалари асосида, Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг бузилишларини аниқ кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

- Лицензиатга аниқланган бузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

- лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишда Лицензияловчи орган ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, уларнинг биттаси Лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси Лицензияловчи органда қолади.

6.3. Лицензияловчи орган шунингдек:

- аҳоли ўртасида, шу жумладан саволнома-сўровномалардан фойдаланган ҳолда сўров ўтказиш;

- фуқароларни белгиланган тартибда қабул қилиш ва уларнинг мурожаатларини ўрганиш;

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказий аппаратида ва Соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органларида ўрнатилган "Ишонч телефонлари" бўйича ахборот олиш;

- бошқа назорат органлари томонидан нодавлат муассасаларида ўтказилган Лицензиатларни текширишлар якунлари бўйича тушадиган ахборотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш йўли билан ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа усулларни қўллаган ҳолда лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя қилиниши устидан мониторинг олиб бориш ҳуқуқига эга.

6.4. Лицензияловчи орган лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг бузилганлиги тасдиқланган ҳолатларда лицензиатга нисбатан қуйидаги чораларни кўриши мумкин:

- Лицензиянинг амал қилишини ўн кун муддатгача тўхтатиб туриш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича лицензиатга кўрсатма бериш;

- Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки лицензияни бекор қилиш тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарорлар чиқариш ва тақдимнома билан судга мурожаат қилиш;

- Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан лицензия олмасдан тиббий фаолиятни амалга ошириш аниқланган ҳолатлар тўғрисидаги материалларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар кўриш учун белгиланган тартибда давлат солиқ хизмати органларига юбориш.

**VII. ЛИЦЕНЗИЯ ТАЛАБЛАРИ ВА ШАРТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

Лицензиатнинг жавобгарлиги:

7.1. Лицензиат ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаганлиги устидан қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгардир.

7.2. Лицензиат мазкур лицензия битимининг 2.1-2.11. бандларида қайд этилган лицензия талаблари ва шартларини бажармаган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари асосида жавобгардир.

Лицензияловчи органнинг жавобгарлиги:

7.3. Лицензияловчи орган ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаганлиги устидан қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгардир.

7.4. Лицензияловчи орган мазкур лицензия битимининг 3.1. бандида қайд этилган лицензия талаблари ва шартларини бажармаган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари асосида жавобгардир.

**VIII. ТИББИЙ ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАНЗИЛИ (МАНЗИЛЛАРИ):**

Тиббий фаолият қуйидаги манзилда (ларда) амалга оширилади:

____________________________________

____________________________________

**IX. БИТИМНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

9.1. Мазкур лицензия битими "Лицензияловчи орган" ва "Лицензиат" томонидан имзоланган кундан кучга киради ҳамда лицензиянинг амал қилиш муддати тугаши, яъни ___ ____ _____ йилдан ўз кучини йўқотади.

9.2. Мазкур битим икки нусхада тузилган бўлиб, томонларда бир нусхадан сақланади.

**X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

10.1. Битимни тузиш ва уни бажаришда юзага келадиган низолар белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан ҳал қилинади.

**XI. ЯКУНИЙ БИТИМ**

11.1. Лицензия битимига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ўзаро келишилган ҳолда ёзма равишда амалга оширилади.

11.2. Ушбу лицензия битимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига тегишли, лекин битим матнига кирмай қолган ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий фаолиятни ташкил этиш ва лицензиялаш жараёнига доир буйруқлари асосида амалга оширилади.

**XII. ТОМОНЛАР МАНЗИЛИ ВА БАНКДАГИ ҲИСОБ РАҚАМЛАРИ:**

"ЛИЦЕНЗИЯЛОВЧИ ОРГАН"
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Манзил:
100011, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 12.
Тел.: 241-17-01, 241-18-01.
Тел/факс: 241-82-40.

Лицензиялаш Кенгаши раисининг ўринбосарлари:
________________ А. И. Икрамов
________________ Ф. О. Илҳомов
М.Ў.
Келишилди:

Бош адлия маслаҳатчиси:
________________ И. П. Дудукина
Тайёрлади:
Кенгаш котиби: ________ Д. Б. Маҳкамова

"ЛИЦЕНЗИАТ"
Номи, мулк шакли

Почта манзили: ________________
Тел.: ________________
Факс: ________________
Ҳ/р: ________________
БММ: ________________
СТИР: ________________

Муассаса раҳбари: ________________
(фамилияси, исми, отасининг исми)
________________
(Имзо)
М.Ў.

**Изоҳ:** Лицензиатга рухсат этилаётган ихтисосликлар бўйича операциялар ўтказиш кўзда тутилган ҳолда қўшимча 2.11. банди қуйидаги мазмунда киритилсин:

*2.11. Лицензиатга фақатгина мазкур лицензия битимига илова этилган тасдиқланган операция турларини амалга ошириш рухсат этилади.*

**(Давоми. Боши 4-бетда).**

*Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг*
*2008 йил 2 июль 287-сонли*
*буйруғига 4-илова*

Р/Р: ____

**Тиббий фаолият билан шуғулланиш учун берилган ________ рақамли Лицензияга**
**_____ -рақамли ЛИЦЕНЗИЯ БИТИМИ**
**(юридик шахслар учун)**

Тошкент шаҳри "____" ______20___ йил

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги – тиббий фаолият билан шуғулланиш учун лицензия беришни амалга оширувчи орган (кейинчалик матнда "Лицензияловчи орган" деб юритилади) номидан Вазирнинг биринчи ўринбосари, лицензиялаш Кенгаши раисининг ўринбосари **А. И. Икрамов** бир томондан ва иккинчи томондан **жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми,** кейинчалик матнда "Лицензиат" деб юритилувчи, ушбу лицензия битимини тузиб, қуйидагиларга келишдилар:

**I. БИТИМНИНГ МОҲИЯТИ**

Лицензияловчи орган, ўзининг ______ йил ___ ______даги "___"-сон мажлис қарори асосида Лицензиатга лицензия бериш билан унга қуйидаги тиббий ихтисослик турлари бўйича ва кўрсатилган ҳажмда тиббий фаолият билан шуғулланиш учун ҳуқуқ беради:

| Тиббий ихтисослик турлари, тиббий хизмат ҳажми: |
| --- |
| |

**II. ЛИЦЕНЗИАТНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ:**

2.1. Лицензиат Лицензияловчи орган томонидан рухсат берилган тиббий хизмат ҳажми (тури) ва ихтисослик йўналишлари доирасида ўз фаолиятини мазкур битимнинг 2.2-2.10. бандларида келтирилган лицензия талаблари ва шартларига риоя этган ҳолда амалга оширади.

2.2. Қуйидагилар тиббий фаолиятни амалга оширишда лицензия талаблари ва шартларидир:

- фаолиятни қонун ҳужжатларига қатъий мувофиқ равишда амалга ошириш;

- олий ёки ўрта махсус, тиббий касб-ҳунар маълумотига ва ихтисослашувга, шунингдек, лицензияланувчи ихтисослик бўйича камида 5 йил иш стажига ва малака тоифасига эга бўлиши;

- Лицензиатда лицензияланаётган фаолият турини бажариш учун мўлжалланган, унга мулк ҳуқуқи билан ёки бошқа қонуний асосда тегишли бўлган, санитария қоидалари ва нормаларига мувофиқ бино ва хоналарнинг мавжуд бўлиши;

- тиббий фаолиятнинг лицензияланаётган тегишли турига ва/ёки ихтисосликка мувофиқ бўлган ташкилий-техник шарт-шароитлар ва моддий-техник жиҳозларнинг, шу жумладан:

а) Лицензиатга мулк ҳуқуқи билан ёки бошқа қонуний асосда тегишли бўлган, метрология нормаларига ва техника хавфсизлиги нормаларига мувофиқ бўлган замонавий диагностика ва даволаш асбоб-ускуналарининг мавжуд бўлиши;

б) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қўллашга рухсат берилган тиббий технологиялардан фойдаланишни таъминлайдиган асбоблар, қаттиқ ва юмшоқ махсус инвентарлар, транспорт воситалари ва ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши;

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган намуналар ва шакллар бўйича бирламчи тиббий ҳужжатларни юритиш;

- статистика маълумотларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда статистика органларига тақдим этиш;

- санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рухсат этилган диагностика, профилактика ва даволаш методларини, зарарсизлантириш воситалари, реактивлар ва дори-дармонларни қўллаш;

- фаолиятни лицензияда кўрсатилган тур ва/ёки ихтисослик доирасида, шунингдек, лицензия битимига мувофиқ манзил бўйича амалга ошириш.

2.3. Жисмоний шахс тиббий фаолиятини ташкил этишда қуйидаги талабларга риоя этиши шарт:

- ўз ихтисослиги бўйича мунтазам равишда, камида беш йилда бир марта малака ошириши ва ўз вақтида тегишли малака тоифасини олиши;

- тиббиёт муассасасининг қабулхонасида, муассасага мурожаат этган аҳолига кўринарли жойда Соғлиқни сақлаш вазирлигида ва Соғлиқни сақлашнинг ҳудудий бошқарув органларида ташкил этилган "Ишонч телефонлари" рақамларини маълумот учун кўрсатиб қўйиш;

- фаолиятда қўлланилувчи дори-дармонлар, реактивлар, зарарсизлантириш воситалари сифатини таъминлаш, тиббий буюмларни қўлланиш ва сақланиш қоидаларига риоя қилиш, уларнинг амал қилиш муддатини назорат қилиш;

- мавжуд тегишли тиббий асбоб-ускуналарни даврий метрология кўригидан белгиланган муддатларда (ҳар йилда бир марта) ўтказишни назорат қилиш, техника хавфсизлиги меъёрларига мувофиқ келадиган тиббий аппаратура ва техникадан фойдаланишни таъминлаш;

- муассаса фаолиятини унинг биноси ва хоналаридаги шароитнинг Санитария қоидалари ва меъёрлари ҳамда тегишли йўриқномалар талабларига риоя этган ҳолда ташкил этиш;

- шошилинч ва кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун рўйхати Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган дори-дармонларнинг тўпламини таъминлаш;

- Лицензиат ўз хоҳишига мувофиқ лицензияланаётган тиббий фаолиятини маълум муддатга тўхтатиши тўғрисида Лицензияловчи органга камида ўн кун олдин хабар бериши шарт.

2.4. Жисмоний шахс тиббий фаолиятни амалга ошириш жараёнида аҳоли орасида юқумли касалликларнинг, қон орқали юқувчи касалликларнинг тарқалишини олдини олиш мақсадида қуйидаги талабларга доимий равишда қатъий риоя этиши шарт:

- тиббий фаолияти инвазив даволаш муолажаларини ва/ёки диагностика усулларини қўллаш (қон билан контакт) билан боғлиқ тиббиёт муассасасининг ўзида стерилизация бўлими фаолиятини мавжуд талаблар асосида мунтазам юритиш, ўрнатилган тартибда зарарсизлантириш ишларини амалга ошириш, стерилизация ва дезинфекция ишларини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича тегишли қоида ва меъёрларга амал қилиш;

- тиббий фаолият бошлашдан олдин дастлабки ва кейинчалик даврий тиббий кўрикдан белгиланган муддатларда ўз вақтида ўтиш;

- бир маротаба фойдаланишга мўлжалланган муолажа воситалари, боғлов материаллари ва тиббий асбоб-ускуналарининг қайта ишлатишига йўл қўймаслик;

- фаолият давомида Санитария меъёрлари ва қоидаларига ҳамда тегишли йўриқномаларга риоя қилиш;

- беморлар орасида юқумли касалликларга гумон қилинганлар аниқланганда, ушбу касаллик ҳақидаги шошилинч хабарномани ўрнатилган тартибда ҳудудий Давлат санитария-эпидемиология назорати марказига юбориш.

2.5. Лицензиат йўл-транспорт ҳодисалари, совуқ қуроллар ва бошқа куч таъсирида шикаст олган беморлар мурожаат қилганлиги тўғрисида ва унинг оқибатларида содир бўлган ҳолатлар тўғрисида ички ишлар органларига хабар бермаган ҳолатларида қонунчилик талаблари асосида жавобгарликка тортилади.

2.6. Лицензиатга тиббий фаолият билан шуғулланиш вақтида қуйидагилар мумкин эмас:

- ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтган, лицензияда ва лицензия битимида қайд этилган фамилияси, исми ва отасининг исмини ўзбошимчалик билан ўзгартириш, унга қўшимча киритиш;

- лицензияда кўрсатилмаган фаолият турлари бўйича пештахтада эълон бериш ва реклама бериш;

- лицензия олиш учун топширилган тасдиқланган чизмада акс эттирилган муассаса тузилмасини, унинг хоналари таркиби, жойлашуви, шакли ва ўлчамларини ўрнатилган тартибда келишилмасдан ўзгартириш;

- лицензия олиш учун топширилган рўйхатда тасдиқланган ва қўллашга рухсат берилган даволаш-диагностика асбоб-ускуналари, қаттиқ ва юмшоқ махсус инвентарлар, транспорт воситаларининг мавжуд рўйхатини қисқартириш;

- ўрнатилган тартибда қайд этилмаган, яроқлилик муддати ўтган, сифатини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган ва қўллаш учун яроқсиз дори воситаларини ишлатиш;

- тиббий фаолият юритиш ҳуқуқини берувчи лицензиясини ва лицензия битимини бошқа жисмоний шахсга тиббий фаолият юритиш учун бериш.

2.7. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг бузилганлиги тасдиқланган ҳолатларда Лицензияловчи орган ёки хўжалик суди томонидан лицензиатга нисбатан жазо чоралари қўлланилган ҳолларда жисмоний шахс:

- лицензиянинг амал қилиши ўн кунгача бўлган муддатга тўхтатиб турилганда, аниқланган камчиликларни бартараф этиб, ушбу ҳақидаги ёзма маълумотномани Лицензияловчи органга ўз вақтида тақдим этиши;

- Лицензияловчи орган қарорига асосан лицензиянинг амал қилиши ўн кунгача бўлган муддатга тўхтатиб турилганда ёки суд органлари томонидан лицензиянинг амал қилиши маълум муддатга тўхтатиб турилганда тегишли қарорни олган кундан бошлаб тиббий фаолиятини тўхтатиб туриш;

- Лицензиянинг амал қилишини тугатиш ёки бекор қилиш тўғрисидаги суд органлари қарорини олгандан сўнг энг кўпи билан ўн кун муддатда лицензияни ва лицензия битимининг асл нусхаларини Лицензияловчи органга қайтариши шарт.

2.8. Жисмоний шахс – Лицензиатнинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки яшаш жойи ёки фаолиятни амалга ошириш жойи (почта манзили)

**(Давоми 6-бетда).**

## Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг БУЙРУҒИ

2008 йил 2 июль — № 287 — Тошкент шаҳри

# Тиббий фаолиятни лицензиялашга доир айрим ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида

ўзгарган тақдирда, Лицензиат қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда Лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт. Лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар Лицензиат унда кўрсатилган тиббий фаолият турини илгари берилган лицензия асосида амалга ошириши мумкин.

2.9. Жисмоний шахс сифатида тугатилганда Лицензиат Лицензияловчи органни хабардор қилади ва лицензияни ўн кун муддат ичида унга қайтаради.

2.10. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза Лицензияловчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

**III. ЛИЦЕНЗИЯЛОВЧИ ОРГАННИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ:**

3.1. Лицензияловчи орган Лицензиатнинг лицензияни қайта расмийлаштириш, амал қилишини тугатиш, бекор қилиш, тиббий фаолият турини ўзгартириш ёки кенгайтириш тўғрисидаги аризаларини қонунчиликда белгиланган муддатларда кўриб чиқади ва қабул қилинган қарорлар тўғрисида Лицензиатни қонунчиликда белгиланган муддатларда хабардор қилади.

**IV. ЛИЦЕНЗИАТНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ:**

4.1. Лицензиат Лицензияловчи органдан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган бирламчи тиббий ҳужжатларнинг намуналари ва шаклларини олиш;

4.2. Лицензияловчи органга тиббий фаолиятини юритиш бўйича туғилган саволлар билан мурожаат этиш,

4.3. Лицензияловчи органдан тиббий фаолиятини ташкил этиш юзасидан ўрнатилган тартибда услубий-амалий ёрдам сўраш ҳуқуқига эга.

**V. ЛИЦЕНЗИЯЛОВЧИ ОРГАННИНГ ҲУҚУҚЛАРИ:**

5.1. Лицензияловчи орган қонунчиликда белгиланган ҳуқуқларга эга.

**VI. ЛИЦЕНЗИАТ ТОМОНИДАН ЛИЦЕНЗИЯ ТАЛАБ ВА ШАРТЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

6.1. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади.

6.2. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда лицензияловчи орган ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;
- Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг бузилганлигидан далолат берувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда Лицензиатнинг уларга риоя қилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;
- лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан Лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;
- текширишлар натижалари асосида, Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг бузилишларини аниқ кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;
- Лицензиатга аниқланган бузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;
- лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишда Лицензияловчи орган ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, уларнинг биттаси Лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси Лицензияловчи органда қолади.

6.3. Лицензияловчи орган шунингдек:

- аҳоли ўртасида, шу жумладан саволнома-сўровномалардан фойдаланган ҳолда сўров ўтказиш;
- фуқароларни белгиланган тартибда қабул қилиш ва уларнинг мурожаатларини ўрганиш;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказий аппаратида ва Соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органларида ўрнатилган "Ишонч телефонлари" бўйича ахборот олиш;
- бошқа назорат органлари томонидан нодавлат муассасаларида ўтказилган Лицензиатларни текширишлар якунлари бўйича тушадиган ахборотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш йўли билан ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа усулларни қўллаган ҳолда лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя қилиниши устидан мониторинг олиб бориш ҳуқуқига эга.

6.4. Лицензияловчи орган лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг бузилганлиги тасдиқланган ҳолатларда лицензиатга нисбатан қуйидаги чораларни кўриши мумкин:

- Лицензиянинг амал қилишини ўн кун муддатгача тўхтатиб туриш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича лицензиатга кўрсатма бериш;
- Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки лицензияни бекор қилиш тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарорлар чиқариш ва тақдимнома билан судга мурожаат қилиш;
- Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан лицензия олмасдан тиббий фаолиятни амалга ошириш аниқланган ҳолатлар тўғрисидаги материалларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар кўриш учун белгиланган тартибда давлат солиқ хизмати органларига юбориш.

**VII. ЛИЦЕНЗИЯ ТАЛАБЛАРИ ВА ШАРТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

Лицензиатнинг жавобгарлиги:

7.1. Лицензиат ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаганлиги устидан қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгардир.

7.2. Лицензиат мазкур лицензия битимининг 2.1-2.10. бандларида қайд этилган лицензия талаблари ва шартларини бажармаган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари асосида жавобгардир.

Лицензияловчи органнинг жавобгарлиги:

7.3. Лицензияловчи орган ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаганлиги устидан қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгардир.

7.4. Лицензияловчи орган мазкур лицензия битимининг 3.1. бандида қайд этилган лицензия талаблари ва шартларини бажармаган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари асосида жавобгардир.

**VIII. ТИББИЙ ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАНЗИЛИ (МАНЗИЛЛАРИ):**

Тиббий фаолият қуйидаги манзилда (ларда) амалга оширилади:

______________________________

______________________________

**IX. БИТИМНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

9.1. Мазкур лицензия битими "Лицензияловчи орган" ва "Лицензиат" томонидан имзоланган кундан кучга киради ҳамда лицензиянинг амал қилиш муддати тугаши, яъни ___ ____ _____ йилдан ўз кучини йўқотади.

9.2. Мазкур битим икки нусхада тузилган бўлиб, томонларда бир нусхадан сақланади.

**X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

10.1. Битимни тузиш ва уни бажаришда юзага келадиган низолар белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан ҳал қилинади.

**XI. ЯКУНИЙ БИТИМ**

11.1. Лицензия битимига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ўзаро келишилган ҳолда ёзма равишда амалга оширилади.

11.2. Ушбу лицензия битимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига тегишли, лекин битим матнига кирмай қолган ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий фаолиятни ташкил этиш ва лицензиялаш жараёнига доир буйруқлари асосида амалга оширилади.

**XII. ТОМОНЛАР МАНЗИЛИ ВА БАНКДАГИ ҲИСОБ РАҚАМЛАРИ:**

"ЛИЦЕНЗИЯЛОВЧИ ОРГАН"
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Манзил:
100011, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 12.
Тел.: 241-17-01, 241-18-01.
Тел/факс: 241-82-40.

Лицензиялаш Кенгаши раисининг ўринбосарлари:
________________ А. И. Икрамов
________________ Ф. О. Илҳомов
М.Ў.

Келишилди:

Бош адлия маслаҳатчиси:
________________ И. П. Дудукина

Тайёрлади:
Кенгаш котиби:________ Д. Б. Маҳкамова

"ЛИЦЕНЗИАТ"
Фамилияси, исми, отасининг исми

Почта манзили (тураржойи) ____________

Тел: ____________

Факс: ____________

Паспорт ____________

Х/р: ____________

БММ: ____________

СТИР: ____________

____________
*Фамилияси, исми, отасининг исми*

____________
*(Имзо)*

М.Ў.

(Давоми. Боши 5-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 2 июль 287-сонли буйруғига 6-илова*

**Нодавлат секторига қарашли тиббиёт муассасаларида ва якка тартибда фаолият кўрсатувчи врачлар томонидан юритилиши зарур бўлган бирламчи тиббий ҳужжатлар рўйхати ***

| | Шакл номи | № | Формат | Ҳужжат шакли | Сақланиш муддати |
|---|---|---|---|---|---|
| I. | **Стационарларда қўлланиладиган бирламчи тиббий ҳисоб ҳужжатлари** | | | | |
| 1 | Шифохонага келган беморнинг қабул қилинган ёки рад этилганлигини ҳисобга олиш журнали | 001/х | А-4 | журнал 96 варақ | 25 йил |
| 4 | Шифохонадаги беморнинг тиббий картаси | 003/х | А-4 | дафтар 8 варақ | 25 йил |
| 6 | Ҳарорат варақаси | 004/х | А-4 | бланк | 25 йил |
| 7 | Шифокорлар кўрсатмалари варағи | 004-1/х | А-4 | бланк | 25 йил |
| 11 | Стационардаги оператив муолажаларни ёзиш журнали | 008/х | А-4 | журнал 48 варақ | 25 йил |
| 14 | Интенсив даволаш варақаси | 011/х | А-4 | бланк | 25 йил |
| 15 | Наркоз варақаси | 011-1/х | А-4 | бланк | 25 йил |
| 16 | Реанимация ва интенсив терапия бўлимидаги беморни динамик кузатув картаси | 011-2/х | А-4 | бланк | 25 йил |
| 17 | Гемодиализ сеансини қайд қилиш картаси | 011-3/х | А-4 | бланк | 25 йил |
| 18 | Беморларни ҳамширалик парвариши картаси | 012/х | А-4 | варақ | 1 йил |
| 23 | Биопсия ва операция материаллари юзасидан текширишларни қайд қилиш журнали | 014-2/х | А-4 | журнал 48 варақ | 10 йил |
| 29 | Шифохонадан чиқарилганларнинг статистик картаси | 066/х | А-4 | бланк | 10 йил |
| 30 | Наркологик касалликлар шифохонасидан чиқарилган беморнинг статистик картаси | 066-1/х | А-4 | бланк | 50 йил |
| II. | **Поликлиникада (амбулатория) ишлатиладиган тиббий ҳисоб ҳужжатлари** | | | | |
| 1 | Амбулатория-поликлиника муассасасига келган беморни ҳисобга олиш журнали | 024/х | А-4 | дафтар 24 варақ | 25 йил |
| 3 | Амбулатор тиббий карта | 025/х | А-5 | дафтар 24 варақ | 25 йил |
| 11 | Боланинг тиббий картаси | 026/х | А-5 | дафтар 12 варақ | 10 йил |
| 12 | Оилани ўрганиш картаси (янги) | 028/х | А-4 | варақ | 1 йил |
| 24 | Стоматологик беморнинг тиббий картаси | 043/х | А-5 | дафтар 5 варақ | 5 йил |
| 36 | Профилактик эмлашларни қайд этиш журнали | 064/х | А-4 | журнал 48 варақ | 3 йил |
| 39 | Амбулатор операцияларни ёзиш журнали | 069/х | А-4 | дафтар 48 варақ | 5 йил |
| 40 | Биринчи бор бахтсиз ҳодисалар, заҳарланиш ва жароҳатларни ҳисобга олиб борувчи йиғма билдиришнома | 071/х | А-3 | бланк | 1 йил |
| 52 | Тиббий маълумотнома (маслаҳатчи шифокор мутахассиснинг тиббий хулосаси) фақат декретив касбдаги шахслар учун | 086/х | А-5 | бланк | 3 йил |
| 63 | Ҳомила ривожланишининг туғма нуқсонларини тасдиқловчи ультратовуш ташҳис баёни (янги) | 133-1/х | А-5 | бланк | 5 йил |
| III. | **Шифохона ва амбулатория поликлиника муассасаларида қўлланиладиган тиббий ҳисоб ҳужжатлар** | | | | |
| 1 | Шифохона, поликлиникадаги кундузги, уй стационарларидаги беморнинг картаси | 003-2/х | А-4 | бланк | 25 йил |
| 2 | Қулоқ олди безининг УТТ баёни (янги) | 017/х | А-4 | бланк | 5 йил |
| 3 | Қалқонсимон безининг УТТ баёни (янги) | 018/х | А-4 | бланк | 5 йил |
| 4 | Сут безларининг УТТ баёни (янги) | 019/х | А-4 | бланк | 5 йил |
| 5 | Айрисимон безининг УТТ баёни (янги) | 020/х | А-4 | бланк | 5 йил |
| 6 | Буйрак усти безининг УТТ баёни (янги) | 021/х | А-4 | бланк | 5 йил |
| 9 | Амбулатория, стационардаги беморнинг тиббий картасидан кўчирма | 027/х | А-5 | бланк | 3 йил |
| 11 | Муолажаларни ҳисоб қилиш журнали | 029/х | А-4 | журнал 96 варақ | 1 йил |
| 12 | Нейросонографик текширув баёни (янги) | 033/х | А-4 | бланк | 5 йил |
| 15 | Меҳнатга лаёқатсизлик варақларни қайдлаш китоби | 036/х | А-4 | журнал 96 варақ | 3 йил |
| 20 | Велоэргометрия хулосаси (янги) | 044-1/х | А-4 | бланк | 1 йил |
| 21 | Ўпка ҳажмини ўлчаш (янги) | 044-2/х | А-4 | бланк | 1 йил |
| 22 | Рентген текширувларини ёзиш журнали | 050/х | А-4 | журнал 96 варақ | 1 йил |
| 25 | Юқумли касаллик, озиқ-овқатдан ўткир, касбига кўра иш жойида заҳарланиш, эмланганида ножўя реакциялар ҳақида тезкор хабарнома | 058/х | А-5 | бланк | 1 йил |
| 29 | Ҳаётида биринчи бор фаол сил, ЖАОЮК, трихофития, микроспория, фавус, қичима, трахома, руҳий касаллик, ОИТС ташҳислари аниқланган беморлар ҳақида хабар | 089/х | А-5 | бланк | 3 йил |
| 30 | Ҳаётида биринчи бор онкологик ташҳиси қўйилган бемор ҳақида хабар | 090/х | А-5 | бланк | 3 йил |
| 31 | Ҳаётида биринчи марта наркомания ташҳиси аниқланган бемор ҳақида хабар | 091/х | А-5 | бланк | 1 йил |
| 47 | Эндоскопик текширувларни қайдлаш журнали | 157/х | А-4 | дафтар 48 варақ | 10 йил |
| 48 | Цитологик (гистологик) текширувга йўлланма | 158/х | А-6 | бланк | 1 йил |

(Давоми 7-бетда).

Шахсий веб сайтимиз орқали ҳар бир сондаги материалларни кузатиб бориш имкониятига эгасиз!

# *Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг* *БУЙРУҒИ*

2008 йил 2 июль № 287 Тошкент шаҳри

# Тиббий фаолиятни лицензиялашга доир айрим ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 2 июль 287-сонли буйруғига 6-илова*

**Нодавлат секторига қарашли тиббиёт муассасаларида ва якка тартибда фаолият кўрсатувчи врачлар томонидан юритилиши зарур бўлган бирламчи тиббий ҳужжатлар рўйхати ***

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 49 | Эндоскопик текширув баёни | 159/х | А-6 | бланк | 1 йил |
| 50 | Эндоскопик операция баёни | 160/х | А-6 | бланк | 1 йил |
| 51 | Колоноскопия текширув баёни (янги) | 160-1/х | А-4 | бланк | 1 йил |
| 52 | Ультратовуш текширувларини қайдлаш журнали | 161/х | А-5 | дафтар 48 варақ | 5 йил |
| 53 | Сийдик пуфаги УТТ баёни | 162/х | А-5 | бланк | 5 йил |
| 54 | Простата бези ва уруғ пуфакчасининг УТТ баёни | 162-1/х | А-5 | бланк | 5 йил |
| 55 | Ёрғоқнинг УТТ баёни (янги) | 162-2/х | А-5 | бланк | 5 йил |
| 56 | Юракнинг УТТ баёни | 163/х | А-5 | бланк | 5 йил |
| 57 | Фонокардиограмма (янги) | 163-1/х | А-4 | бланк | 5 йил |
| 58 | Эхокардиография (янги) | 163-2/х | А-4 | бланк | 5 йил |
| 59 | Кичик чаноқ аъзолари УТТ баёни | 164/х | А-5 | бланк | 5 йил |
| 60 | Ҳомиладорликни эрта I ойлигида УТТ баёни | 165/х | А-4 | бланк | 5 йил |
| 61 | Ҳомиладорликни эрта II-III ойлигида УТТ баёни | 165-1/х | А-4 | бланк | 5 йил |
| 62 | Жигар ва ўт пуфаги УТТ баёни | 166/х | А-4 | бланк | 5 йил |
| 63 | Ошқозон ости безининг УТТ баёни | 166-1/х | А-4 | бланк | 5 йил |
| 64 | Талоқнинг УТТ баёни | 166-2/х | А-4 | бланк | 5 йил |
| 65 | Буйракнинг УТТ баёни | 167/х | А-4 | бланк | 5 йил |
| 66 | Кўзнинг УТТ текширув баёни | 168/х | А-4 | бланк | 5 йил |
| 67 | Бош миянинг УТТ текширув баёни | 169/х | А-4 | бланк | 5 йил |
| 68 | Электроэнцефалография (янги) | 169-1/х | А-4 | бланк | 5 йил |
| 69 | Реоэнцефалография (янги) | 169-2/х | А-4 | бланк | 5 йил |
| 70 | Эхоэнцефалография (янги) | 169-3/х | А-4 | бланк | 5 йил |
| 71 | Брахиоцефал артерияларнинг ультратовуш допплерографияси (янги) | 169-4/х | А-4 | бланк | 5 йил |
| IV. | **Тез тиббий ёрдамда қўлланиладиган тиббий ҳисоб ҳужжатлари** | | | | |
| 1 | Тез тиббий ёрдам чақирувларини ёзиб бориш журнали | 109/х | А-4 | журнал 96 варақ | 3 йил |
| 2 | Тез тиббий ёрдам чақириш варақаси | 110/х | А-5 | бланк | 1 йил |
| 7 | Фавқулотдаги вазиятни ҳисобга олиш журнали | 121/х | А-4 | журнал 72 варақ | 5 йил |
| V. | **Даволаш-профилактика муассасалари таркибидаги лабораторияларда қўлланиладиган тиббий ҳисоб ҳужжатлари** | | | | |
| 1 | Таҳлил учун йўлланма | 200/х | А-6 | бланк | 1 ой |
| 5 | Сийдик таҳлили | 210/х | А-5 | " | " |
| 6 | Зимницкий бўйича сийдик таҳлили | 211/х | А-5 | " | " |
| 7 | Глюкоза и кетон таначасига сийдик таҳлили | 212/х | А-6 | " | " |
| 8 | Глюкозурия профили | 213/х | А-5 | " | " |
| 9 | Сийдик таҳлили α – амилаза фаоллиги | 214/х | А-6 | " | " |
| 10 | Сийдик шаклий элементлар сонини аниқлаш таҳлили | 215/х | " | " | " |
| 12 | Простата бези ширасининг таҳлили | 217/х | " | " | " |
| 13 | Спермограмма (янги) | 217-1/х | А-5 | " | " |
| 15 | TORCH инфекцияси текшируви (янги) | 218-1/х | А-5 | " | " |
| 16 | Нажас таҳлили | 219/х | " | " | " |
| 21 | Қоннинг умумий таҳлили | 224/х | " | " | " |
| 23 | Қоннинг био-кимёвий таҳлили | 228/х | " | " | " |
| 24 | Қон зардоби оқсил фракцияси (электрофорез усули) таҳлили | 229/х | А-6 | " | " |
| 25 | Қон зардобида липопротеидлар таҳлили | 230х | " | " | " |
| 26 | Глюкоза борлигини аниқлаш бўйича қон таҳлили | 231/х | " | " | " |
| 27 | Қон зардоби ферментларининг фаоллик таҳлили | 234/х | А-5 | " | " |
| 29 | Қондаги гормонларни текшириш (янги) | 235-1/х | А-4 | " | " |
| 31 | Коагулограмма | 237/х | А-4 | " | " |
| 40 | Таҳлил ва уларнинг натижаларини қайд этиш журнали | 250/х | А-4 | журнал 48 варақ | 5 йил |
| 47 | Ҳаволи, буғли стерилизаторлар ишини назорат этиш журнали | 257/х | " | " | " |
| 48 | Стерилликка текшириш бўйича иш журнали | 258/х | " | " | " |

* Нодавлат секторига қарашли тиббиёт муассасаларида ва якка тартибда фаолият кўрсатувчи врачлар томонидан фақатгина уларга берилган лицензияда қайд этилган ихтисослик турлари ва кўрсатилаётган тиббий хизматлар ҳажмига мос бирламчи тиббий ҳужжатлар юритилади.

**(Давоми. Боши 6-бетда).**

*Приложение № 7 к Приказу Министерства здравоохранения Республики Узбекистан от 2 июля 2008 года № 287 г. Ташкент*

**Перечень операций по отдельным видам врачебных специальностей, выполнение которых разрешено в частных медицинских учреждениях**

**1. Список операций, разрешенных по специальности "Хирургия общая"**

Удаление доброкачественных опухолей мягких тканей (атером, липом и т.д),

Пункция плевральной полости,

Дренирование плевральной полости,

Пункция брюшной полости, лапароцентез,

Грыжесечение при простых грыжах,

Хирургическая обработка ожоговой раны,

Первичная хирургическая обработка раны,

Вскрытие мастита,

Вскрытие панариция, паронихия,

Вскрытие абсцессов, флегмон мягких тканей,

Вскрытие фурункулов, карбункулов различной локализации,

Циркумцизия,

Оперативные вмешательства по поводу:

- геморроя,
- анальных трещин,
- острого парапроктита,
- свищей прямой кишки,
- полипов анального канала,
- кист перианальной области,
- эпителиально-копчиковых ходов,
- остроконечных кондилом перианальной области.

**2. Список операций по малой оперативной колопроктологии, разрешенных по специальности "Колопроктология"**

Оперативные вмешательства по поводу:

- геморроя,
- анальных трещин,
- острого парапроктита,
- свищей прямой кишки,
- полипов анального канала,
- кист перианальной области,
- эпителиально-копчиковых ходов,
- остроконечных кондилом перианальной области.

**3. Список операций по малой оперативной урологии, разрешенных по специальности "Урология"**

Операции по поводу водянки яичка (операции Бергмана, Винкельмана, Лорда и др.),

Операции по поводу варикоцеле (операции Иванисевича, Паломо, Бернарди и др.),

Циркумцизия,

Биопсия яичка,

Низведение яичка,

Удаление кист придатка, яичка и семенного канатика,

Иссечение и коагуляция полипа наружного отверстия уретры,

Меатотомия,

Замена цистостомического дренажа.

**4. Список операций по малой оперативной гинекологии, разрешенных по специальности "Акушерство и гинекология"**

Вскрытие абсцесса бартолиниевой железы;

Вылущивание кисты бартолиниевой железы;

Диатермокоагуляция эрозии шейки матки;

Биопсия шейки матки;

Установление внутриматочной спирали;

Вспомогательные репродуктивные технологии;

Диагностическая лапароскопия для определения проходимости маточных труб;

Гистероскопия, фаллопиескопия, фертилоскопия;

Гистеросальпингография.

**5. Список операций по устранению сложных врожденных пороков ЛОР-органов, не разрешенных к выполнению по специальности "Оториноларингология"**

Операции при аномалиях носа:

- атрезия хоан,
- дермоидные кисты и свищи.

Операции при аномалиях глотки:

- врождённые кисты шеи (боковые, срединные).

Операции при аномалиях гортани:

- врожденные мембраны гортани,
- врожденные кисты гортани.

Операции при аномалиях уха:

- пороки развития ушной раковины (макротия, микротия, анотия),
- атрезия наружного слухового прохода,
- гипоплазия среднего уха,
- врождённое недоразвитие внутреннего уха (молодой лабиринт),
- незаращение жаберной щели,
- гипогенезия уха в сочетании с пороками других органов и систем,
- нейросенсорная тугоухость 4-й степени и глухота.

*Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 2 июль 287-сонли буйруғига 8-илова*

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тиббий фаолиятни амалга ошириш учун лицензия талабгори томонидан топширилиши керак бўлган ҳужжатлар РЎЙХАТИ**

**1. Юридик шахсларга тиббий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия олиш учун топширилиши керак бўлган ҳужжатлар рўйхати:**

а) лицензия бериш тўғрисида ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади:

юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), тиббий фаолият кўрсатиш манзили, амалга оширилиши мўлжалланаётган тиббий фаолият тури ва ҳажми, тиббий фаолият амалга ошириладиган муддат, банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисоб рақами, телефони, факс;

б) юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

в) ҳудудий санитария-эпидемиология назорати марказининг аризада кўрсатилган тиббий ихтисосликлар бўйича фаолиятни амалга ошириш учун мўлжалланган биноларнинг санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси;

г) "Ўзстандарт" агентлиги органлари ёки "Ўзстандарт" агентлигида тегишли хулосалар бериш ҳуқуқи учун аккредитация қилинган метрология хизматлари томонидан тиббий техника ва тиббий ўлчаш воситалари техник ҳолати ва яроқлилигининг метрологик меъёрлар ва қоидаларга мувофиқлиги тўғрисида берилган хулоса (иловалари билан); хулоса иловасидаги жадваллар тақдим этилмаган ҳолларда ҳар бир тиббий техника ва тиббий ўлчаш воситасининг паспорти, тиббиёт амалиётида қўллаш учун рухсат этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳамда лицензия талабгорининг мазкур тиббий техника ва тиббий ўлчаш воситасига қонуний эгалигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари топширилади;

д) юридик шахс раҳбарининг олий тиббий маълумоти тўғрисидаги дипломнинг, меҳнат дафтарчасининг, малака тоифаси берилгани тўғрисидаги сертификатнинг, кейинги 5 йилда малака оширганлик ва/ёки ихтисослашувдан ўтганлик тўғрисидаги ҳужжатнинг нотариал тасдиқланган нусхаси, шунингдек, мутахассис-врачларнинг олий тиббий маълумот тўғрисидаги дипломнинг,

**(Давоми 8-бетда).**

Бизнинг расмий веб-сайтимизга ташриф буюринг: www.uzss.uz

*Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг*

# *БУЙРУҒИ*

2008 йил 2 июль № 287 Тошкент шаҳри

# Тиббий фаолиятни лицензиялашга доир айрим ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 2 июль 287-сонли буйруғига 8-илова*

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тиббий фаолиятни амалга ошириш учун лицензия талабгори томонидан топширилиши керак бўлган ҳужжатлар РЎЙХАТИ**

малака тоифаси берилганлиги тўғрисидаги сертификатнинг, кейинги 5 йилда малака оширганлик ва/ёки ихтисослашувдан ўтганлик тўғрисидаги ҳужжатнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

е) лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (қонунчиликда ўрнатилган тартибда, минимал иш ҳақининг 5 баробари миқдорида).

**2. Юридик шахс – лицензиат қайта ташкил этилиши муносабати билан топшириши керак бўлган ҳужжатлар рўйхати (тиббий фаолият кўрсатиш манзили ўзгармаган ҳолда)**

а) амалдаги лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади:

юридик шахснинг номи – жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисоб рақами, телефони, факс;

б) юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

в) амалдаги лицензиянинг ва лицензия битимининг асли;

г) лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (қонунчиликда ўрнатилган тартибда, минимал иш ҳақининг 2,5 баробари миқдорида).

**3. Юридик шахс – лицензиатнинг тиббий фаолият кўрсатиш манзили ўзгарган тақдирда топширилиши керак бўлган ҳужжатлар рўйхати:**

а) амалдаги лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади:

юридик шахснинг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, тиббий фаолият тури ва ҳажми, почта манзили ва янги тиббий фаолият кўрсатиш манзили, банк муассасасининг номи, банк муассасасидаги ҳисоб рақами, телефони, факс;

б) амалдаги лицензиянинг нусхаси, лицензия битимининг асли;

в) ҳудудий санитария-эпидемиология назорати марказининг аризада кўрсатилган тиббий ихтисосликлар бўйича фаолиятни амалга ошириш учун мўлжалланган биноларнинг санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси;

г) лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (қонунчиликда ўрнатилган тартибда, минимал иш ҳақининг 2,5 баробари миқдорида).

**4. Юридик шахс – лицензиатнинг тиббий фаолият турининг кенгайиши муносабати билан топширилиши керак бўлган ҳужжатлар рўйхати:**

а) амалдаги лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади:

юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), тиббий фаолият кўрсатиш манзили, сўралаётган қўшимча тиббий фаолият тури ва ҳажми, банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисоб рақами, телефони, факс;

б) юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

в) ҳудудий санитария-эпидемиология назорати марказининг аризада кўрсатилган тиббий ихтисосликлар бўйича фаолиятни амалга ошириш учун мўлжалланган биноларнинг санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси;

г) "Ўзстандарт" агентлиги органлари ёки "Ўзстандарт" агентлигида тегишли хулосалар бериш ҳуқуқи учун аккредитация қилинган метрология хизматлари томонидан тиббий техника ва тиббий ўлчаш воситалари техник ҳолати ва ароқлилигининг метрологик меъёрлар ва қоидаларга мувофиқлиги тўғрисида берилган хулоса (иловалари билан); хулоса иловасидаги жадваллар тақдим этилмаган ҳолларда ҳар бир тиббий техника ва тиббий ўлчаш воситасининг паспорти, тиббиёт амалиётида қўллаш учун рухсат этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳамда лицензия талабгорининг мазкур тиббий техника ва тиббий ўлчаш воситасига қонуний эгалигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари топширилади;

д) кенгайтирилаётган тиббий фаолият тури бўйича мутахассис врачлар учун - олий тиббий маълумот тўғрисидаги дипломнинг, малака тоифаси берилганлиги тўғрисидаги сертификатнинг, кейинги 5 йилда малака оширганлик ва/ёки ихтисослашувдан ўтганлик тўғрисидаги ҳужжатнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

е) амалдаги лицензия ва лицензия битимининг асли;

ж) лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (қонунчиликда ўрнатилган тартибда, минимал иш ҳақининг 2,5 баробари миқдорида).

**5. Юридик шахс – лицензиатнинг тиббий фаолият турининг ёки тиббий хизмат ҳажмининг қисқариши муносабати билан топширилиши керак бўлган ҳужжатлар рўйхати:**

а) амалдаги лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади:

юридик шахснинг номи, жойлашган жойи (почта манзили), тиббий фаолият кўрсатиш манзили, қисқараётган тиббий фаолият тури (ёки тиббий хизмат ҳажми), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисоб рақами, телефони, факс;

б) юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

в) амалдаги лицензиянинг ва лицензия битимининг асли;

г) лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (қонунчиликда ўрнатилган тартибда, минимал иш ҳақининг 2,5 баробари миқдорида).

**6. Юридик шахс – лицензиат учун филиал очилиши муносабати билан топшириши керак бўлган ҳужжатлар рўйхати:**

а) амадаги лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади:

юридик шахснинг номи, почта ва тиббий фаолият кўрсатиш манзиллари филиал(лар)нинг манзили, ташкилий-ҳуқуқий шакли, филиалда амалга оширилиши мўлжалланаётган тиббий фаолият тури ва ҳажми, банк муассасасининг номи, ҳисоб рақами, барча манзиллардаги телефон рақамлари, факс;

б) юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

в) ҳудудий санитария-эпидемиология назорати марказининг аризада кўрсатилган тиббий ихтисосликлар бўйича фаолиятни амалга ошириш учун мўлжалланган биноларнинг санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси;

г) "Ўзстандарт" агентлиги органлари ёки "Ўзстандарт" агентлигида тегишли хулосалар бериш ҳуқуқи учун аккредитация қилинган метрология хизматлари томонидан тиббий техника ва тиббий ўлчаш воситалари техник ҳолати ва ароқлилигининг метрологик меъёрлар ва қоидаларга мувофиқлиги тўғрисида берилган хулоса (иловалари билан); хулоса иловасидаги жадваллар тақдим этилмаган ҳолларда ҳар бир тиббий техника ва тиббий ўлчаш воситасининг паспорти, тиббиёт амалиётида қўллаш учун рухсат этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, ҳамда лицензия талабгорининг мазкур тиббий техника ва тиббий ўлчаш воситасига қонуний эгалигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари топширилади;

д) филиал учун янги раҳбар тайинланган ҳолатда раҳбарнинг олий тиббий маълумоти тўғрисидаги дипломнинг, меҳнат дафтарчасининг, малака тоифаси берилганлиги тўғрисидаги сертификатнинг, кейинги 5 йилда малака оширганлик ва/ёки ихтисослашувдан ўтганлик тўғрисидаги ҳужжатнинг нотариал тасдиқланган нусхаси, шунингдек:

филиалдаги мутахассис-врачларнинг олий тиббий маълумот тўғрисидаги дипломнинг, малака тоифаси берилганлиги тўғрисидаги сертификатнинг, кейинги 5 йилда малака оширганлик ва/ёки ихтисослашувдан ўтганлик тўғрисидаги ҳужжатнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

е) амалдаги лицензиянинг нусхаси, лицензия битимининг асли;

ж) лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (қонунчиликда ўрнатилган тартибда, минимал иш ҳақининг 2,5 баробари миқдорида).

**7. Жисмоний шахсларга (якка тартибдаги тадбиркорга) тиббий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия олиш учун топширилиши керак бўлган ҳужжатлар рўйхати:**

а) лицензия бериш тўғрисида ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади:

жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари, тиббий фаолият тури ва ҳажми, яшаш жойи (почта манзили) ва тиббий фаолият кўрсатиш манзили, телефони, факс, тиббий фаолиятни амалга ошириладиган муддат, банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисоб рақами, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);

б) якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

в) ҳудудий санитария-эпидемиология назорати марказининг аризада кўрсатилган тиббий ихтисосликлар бўйича фаолиятни амалга ошириш учун мўлжалланган биноларнинг санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси;

г) "Ўзстандарт" агентлиги органлари ёки "Ўзстандарт" агентлигида тегишли хулосалар бериш ҳуқуқи учун аккредитация қилинган метрология хизматлари томонидан тиббий техника ва тиббий ўлчаш воситалари техник ҳолати ва ароқлилигининг метрологик меъёрлар ва қоидаларга мувофиқлиги тўғрисида берилган хулоса (иловалари билан); хулоса иловасидаги жадваллар тақдим этилмаган ҳолларда ҳар бир тиббий техника ва тиббий ўлчаш воситасининг паспорти, тиббиёт амалиётида қўллаш учун рухсат этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, ҳамда лицензия талабгорининг мазкур тиббий техника ва тиббий ўлчаш воситасига қонуний эгалигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари топширилади;

д) жисмоний шахслар учун – олий ва/ёки ўрта махсус, тиббий касб-ҳунар маълумоти тўғрисидаги дипломнинг, меҳнат дафтарчасининг, малака тоифаси берилганлиги тўғрисидаги сертификатнинг, кейинги 5 йилда малака оширганлик ва/ёки ихтисослашувдан ўтганлик тўғрисидаги ҳужжатнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

е) лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (қонунчиликда ўрнатилган тартибда, минимал иш ҳақининг 5 баробари миқдорида).

**8. Жисмоний шахс – лицензиатнинг қайта ташкил этилиши муносабати билан топширилиши керак бўлган ҳужжатлар рўйхати (тиббий фаолият кўрсатиш манзили ўзгармаган ҳолда):**

а) амалдаги лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади):

жисмоний шахс – лицензиатнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи (почта манзили), тиббий фаолият тури, телефони, факс, банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисоб рақами, солиқ тўловчининг идентификация рақамлари (СТИР);

б) якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

в) амалдаги лицензиянинг ва лицензия битимининг асли;

г) лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (қонунчиликда ўрнатилган тартибда, минимал иш ҳақининг 2,5 баробари миқдорида).

**9. Жисмоний шахс – лицензиатнинг тиббий фаолият кўрсатиш манзили ўзгарган тақдирда топширилиши керак бўлган ҳужжатлар рўйхати:**

а) амалдаги лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади:

якка тартибдаги тадбиркорнинг фамилияси, исми, отасининг исми, фуқаро шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари, фаолият тури, яшаш жойи (почта манзили) ва тиббий фаолият кўрсатиш манзили, телефони, факс, банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисоб рақами, солиқ тўловчининг идентификация рақамлари (СТИР) кўрсатилган ҳолда;

б) амалдаги лицензиянинг нусхаси, лицензия битимининг асли;

в) ҳудудий санитария-эпидемиология назорати марказининг аризада кўрсатилган тиббий ихтисосликлар бўйича фаолиятни амалга ошириш учун мўлжалланган биноларнинг санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси;

г) лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (қонунчиликда ўрнатилган тартибда, минимал иш ҳақининг 2,5 баробари миқдорида).

**(Давоми. Боши 7-бетда).**

Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир: Нодир ШАРАПОВ
Ижрочи муҳаррир: Ибодат СОАТОВА

Таҳрир ҳайъати раиси:
Феруз НАЗИРОВ
Таҳрир ҳайъати аъзолари:
Бобур Алимов, Озода Муҳитдинова, Бахтиёр Ниёзматов, Нурмат Отабеков, Рихси Салихўжаева, Абдулла Убайдуллаев, Фарҳод Фузайлов, Миралишер Исламов, Намоз Толипов (масъул котиб).

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Манзилимиз: 700060, Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 30-уй, 2-қават. Тел/факс: 233-57-73, тел.: 233-13-22. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йилнинг 6 декабрь куни рўйхатга олинган, гувоҳнома рақами 0015.

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, ёзма жавоб қайтарилмайди. Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга ⓘ шартли белгиси қўйилган.

Адади 5396 нусха. Буюртма Г-750.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Газета ҳажми 4 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

Топширилди – 17.30. 1 2 3 4 5 7 8